

## УРОГЕНИТАЛ ГЕРПЕС, ХЛАМИДИОЗ ВА ТРИХОМОНИАЗ КОИНФЕКЦИЯСИННИГ КЛИНИК ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ДАВОЛАШ ТАМОЙИЛЛАРИ

**ТТА Урганч филиали**  
**Юсупова Шахноза Акрамовна**  
**Низаматдинова Бибиназ Максетбай кызы**  
**Юлдашева Ирода Жумабой кизи**

**Аннотация.** Ушбу илмий мақолада урогенитал герпес вирусли инфекциясининг хламидиоз ва трихомониаз билан биргаликда кечиши ҳолатлари, уларнинг клиник қўринишлари, ташхислаш ва самарали даволаш усууллари батафсил таҳлил қилинган. Кўп қўзғатувчили жинсий инфекциялар муаммоси замонавий венерологиянинг долзарб масалаларидан бири бўлиб, бундай коинфекциялар диагностикаси мураккаблашиши ва даволаш самарадорлигининг пасайиши билан характерланади. Адабиётлар таҳлили ва клиник тадқиқотлар асосида коинфекцияларни комплекс даволаш протоколлари ишлаб чиқилган ва баҳоланган.

**Калит сўзлар.** Жинсий йўл билан юқувчи инфекциялар, хламидиоз, урогенитал герпес, trichomonas

**Кириш.** Жинсий йўл билан юқувчи инфекциялар (ЖҟЮИ) глобал соғлиқни сақлаш муаммоси бўлиб қолмоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, ҳар йили дунё бўйича 376 миллиондан ортиқ янги ЖҟЮИ ҳолатлари қайд этилади [1]. Шу билан бирга, клиник амалиётда тобора қўпроқ биргаликда кечувчи инфекциялар — коинфекциялар кузатилмоқда, буларнинг орасида герпес вируси, хламидиоз ва трихомониаз биргаликда учраши алоҳида аҳамиятга эга [2]. Урогенитал герпес (УГГ) оддий герпес вируси (ОГВ) 1 ва 2 типлари қўзғатадиган инфекция бўлиб, жинсий аъзолар, сийдик чиқариш йўллари ва перианал соҳаларнинг яллиғланиши билан кечади. Хламидиоз эса Chlamydia trachomatis қўзғатадиган бактериал инфекция бўлиб, кўпинча симптомсиз кечади, бироқ даволанмаса жиддий асоратларга олиб келиши мумкин. Трихомониаз Trichomonas vaginalis қўзғатадиган протозой инфекция бўлиб, аёлларда вагинит, эркакларда эса уретрит шаклида намоён бўлади [3]. Ушбу инфекцияларнинг биргаликда кечиши ташхис қўйиш, даволаш стратегиясини танлаш ва касалликнинг клиник кечиши нуқтаи назаридан долзарб муаммо ҳисобланади [4].

Эпидемиология ва патогенез. Тадқиқотлар қўрсатишича, ОГВ инфекцияси дунё бўйича тарқалган бўлиб, тахминан 3,7 миллиард киши (15-49 ёш оралиғида)

ОГВ-1 ва 491 миллион киши ОГВ-2 инфекциясига эга [5]. Хламидиоз эса глобал миқёсда энг кенг тарқалган бактериал ЖЙЮИ ҳисобланади, йиллик 127 миллиондан ортиқ янги ҳолатлар қайд этилади. Трихомониаз ҳам кенг тарқалган бўлиб, йилига 156 миллион янги ҳолатлар аниқланади [6]. Илмий адабиётларга кўра, бир пациентда бирданига икки ёки ундан ортиқ ЖЙЮИ аниқланиш ҳоллари 30-45% ни ташкил этади [7]. Хламидиоз ва трихомониаз билан инфекцияланган bemorларда ОГВ инфекцияси юқиш хавфи 2-3 баробар ошади. Бу коинфекциялар патогенезининг ўзаро таъсири билан боғлиқ [8].

**Патогенез ва иммунопатология.** Коинфекцияларнинг патогенези мураккаб жараёнлар мажмуи бўлиб, унда қўзғатувчилар орасидаги синергик таъсир, иммун жавобнинг ўзгариши ва тўқималарнинг шикастланиши асосий ўрин тутади [9].

ОГВ инфекцияси маҳаллий иммунитетни сусайтиради, шиллиқ қаватлар бутунлигининг бузилишига олиб келади, бу эса бошқа қўзғатувчиларнинг кириши ва кўпайиши учун қулай шароит яратади [10]. Жумладан, Zhu ва ҳаммуаллифларнинг тадқиқотлари кўрсатишича, ОГВ-2 инфекцияси CD4+ Т-хужайраларининг фаоллигини пасайтиради, бу эса хламидиоз инфекциясига иммун жавобни сусайтиради [11]. Хламидиоз инфекцияси эса ўз навбатида эпителий ҳужайралари орасидаги алоқаларни бузади ва яллиғланишга қарши цитокинлар ишлаб чиқарилишини кучайтиради. Бу жараёнлар ОГВ инфекциясининг реактивациясига ёрдам беради [12]. *Trichomonas vaginalis* бактериал биопленкаларни ҳосил қилишни таъминлайди, бу эса антибиотикларга чидамлиликни оширади ва хламидия ҳамда бошқа бактериал қўзғатувчиларнинг сақланиб қолишига имкон беради [13].

**Клиник кўринишлар.** Урогенитал герпес, хламидиоз ва трихомониаз коинфекцияси клиник кўринишларининг ўзига хос хусусиятлари мавжуд бўлиб, бу алоҳида инфекциялар белгиларидан фарқ қиласи [14].

**Типик клиник белгилар.** Коинфекцияларда қуйидаги клиник белгилар кузатилади: Кучайган яллиғланиш симптомлари: Гениталий соҳасида кучли оғриқ, ачишиш, қичишиш. Чивитзода ва ҳаммуаллифлари (2018) таъкидлашича, коинфекция ҳолатларида оғриқ синдроми монофекцияларга нисбатан 1,8 баробар кўпроқ учрайди [15]. Герпетик тошмаларнинг ўзгарган кўриниши: Коинфекцияларда герпетик тошмалар кўпинча кенроқ тарқалади, эрозияларнинг битиш муддати чўзилади (уртacha 14-18 кунгача, монофекцияда 7-10 кун), иккиласми инфекцияланиш хавфи юқори [16]. Ажралмаларнинг хусусиятлари: Аёлларда кўпинча аралаш характердаги вагинал ажралмалар (сероз-йирингли, кўпикли) кузатилади. Эркакларда уретрадан ажралмалар кўпроқ йирингли хусусиятга эга бўлади [17]. Уретра ва цервикал каналнинг заарланиши: Коинфекцияларда бу соҳаларнинг яллиғланиш даражаси юқори

бўлиб, шишиш, қизариш ва эрозиялар билан намоён бўлади [18].Атипик кўринишлар ва диагностик қийинчиликла.Коинфекцияларнинг 40-45% ҳолатларида атипик клиник кўринишлар кузатилади, бу ташхислашни қийинлаштиради [19]:Симптомларнинг ниқобланиши: Масалан, трихомониаз ва хламидиоз инфекцияси туфайли яллиғланиш фонида герпетик тошмалар камроқ ифодаланиши мумкин.Субъектив симптомларнинг номутаносиблиги: Клиник кўринишлардан қўра кучлироқ шикоятлар.Даврийликнинг ўзгариши: ОГВ рецидивларининг тезлашиши (йилига ўртacha 6-8 марта, монофекцияда 3-4 марта) [20]

*Ташхислаш усуллари.* Коинфекцияларни аниқлаш учун комплекс диагностика ёндашуви талаб этилади [21].Лаборатор диагностика Урогенитал герпес:Полимераза занжир реакцияси (ПЗР) — ОГВ-1 ва ОГВ-2 ДНКсини аниқлаш учун "олтин стандарт" (сезгирилиги 95-99%).Серологик тестлар (IgM ва IgG антителаларини аниқлаш).Вирусни ажратиш ва экиш (аниқлиги юқори, аммо узоқ вақт талаб этади) [22]

Хламидиоз:ПЗР диагностикаси — *C. trachomatis* ДНКсини аниқлаш (сезгирилиги 90-95%).Иммуноферментли таҳлил (ИФА).Иммунофлюоресценция (ТИФ) усули [23]

Трихомониаз:Микроскопик текшириш (нативда ва бўялган препаратда).ПЗР диагностика.Культурал экиш (юқори аниқликка эга) [24].Kaul ва ҳамкасларининг тадқиқотларига қўра, коинфекцияларни аниқлашда мультиплекс ПЗР тест-системалари, барча қўзғатувчиларни бир вақтда аниқлаш имконини беради ва диагностика аниқлигини 15-20% га оширади [25].Инструментал ва қўшимча текширувлар.Кольпоскопия/уретроскопия — шиллиқ қаватлар ҳолатини баҳолаш.УТТ — кичик чаноқ аъзолари ҳолатини баҳолаш.Бактериологик текширув — қўшимча бактериал флорани аниқлаш [26].Даволаш стратегияси ва самарадорликни баҳолаш.Герпес, хламидиоз ва трихомониаз коинфекциясининг даволаш стратегияси комплекс ёндашувни талаб қиласи, чунки бир қўзғатувчига таъсир этувчи монотерапия етарли самарадорликка эга эмас [27].

*Этиотроп даволаши.*Герпесга қарши терапия:Ацикловир 400 мг кунига 3 марта 7-10 кун давомида ёки.Валацикловир 500 мг кунига 2 марта 5-10 кун давомида ёки.Фамцикловир 250 мг кунига 3 марта 7-10 кун давомида [28].Рецидивловчи кечиши ҳолатларида супрессив терапия:Валацикловир 500 мг кунда 1 марта 6-12 ой давомида [29].Хламидиозни даволаш:Доксициклин 100 мг кунига 2 марта 7-14 кун давомида ёки.Азитромицин 1,0 г бир марта ёки.Джозамицин 500 мг кунига 3 марта 10 кун давомида [30].Трихомониазни даволаш:Метронидазол 2,0 г бир марта ёки 500 мг кунига 2 марта 7 кун давомида ёки.Тинидазол 2,0 г бир марта [31].Wang ва ҳаммуаллифларининг 2023 йилдаги

тадқиқотига кўра, коинфекция ҳолатларида кучайтирилган дозаларда ва узайтирилган курсда даволаш клиник ва микробиологик самарадорликни 30% га ошириши мумкин [32].Иммуномодуляторлар ва патогенетик терапия.Интерферон индукторлари: Тиллорон, Инозин пранобекс — герпес вирусига қарши иммунитетни кучайтириш учун.Пробиотиклар: Lactobacillus spp. сакловчи препаратлар — микробиоценозни тиклаш учун [33]

*Маҳаллий даволаш.* Дезинфекцияловчи ва яллиғланишга қарши воситалар (хлоргексидин, мирамистин эритмалари).Регенерацияни тезлаштирувчи маҳаллий воситалар (декспантенол, метилурацил малҳамлари) [34].Даволаш самарадорлигини баҳолаш мезонлари.Даволаш самарадорлиги қуйидаги мезонларга кўра баҳоланади:Клиник белгиларни йўқолиши — даволашдан 7-14 кун ўтгач

*Микробиологик назорат.* Хламидиоз ва трихомониаз учун — даволашдан 3-4 ҳафта ўтгач.ОГВ учун — ПЗР контроль даволаш тугаганидан 10 кун ўтгач [35].Рецидивларни кузатиш — даволашдан кейинги 6-12 ой давомида.Корр ва ҳаммуаллифларининг (2022) тадқиқоти натижаларига кўра, комплекс даволаш схемаси монотерапияга нисбатан рецидивлар сонини 65% га камайтиради [36].Профилактика ва прогноз.Бирламчи профилактика.Химояланган жинсий алоқа (презервативдан тўғри фойдаланиш).Доимий жинсий шерикнинг мавжудлиги.ЖЙЮИ профилактикаси бўйича тиббий маърифат [37].Иккиласми профилактика.Эрта ташхислаш ва тўлиқ даволаш.Жинсий шерикларни текшириш ва даволаш.Герпес вируси бор беморларда рецидивларни олдини олиш учун супрессив терапия [38]

**Прогноз.** Герпес, хламидиоз ва трихомониаз коинфекцияси бўлган беморларда, агар ўз вақтида ва тўлиқ даволаш ўтказилса, прогноз асосан қониқарли. Бироқ, тўлиқ даво топмаслик, рецидивлар ва асоратлар хавфи юқори бўлиб қолади [39].Mishra ва ҳаммуаллифларининг маълумотларига кўра, герпес мононинфекциясига нисбатан коинфекцияларда рецидивлар сони 2,5 марта кўпроқ, асоратлар эса 1,8 марта кўпроқ учрайди [40].

**Хуроса.** Урогенитал герпес, хламидиоз ва трихомониаз коинфекцияси мураккаб патологик ҳолат бўлиб, диагностика ва даволашга комплекс ёндашувни талаб қиласи. Коинфекциялар клиник кечишининг ўзига хос хусусиятлари, патогенездаги ўзаро таъсирлар ва даволаш стратегиясини тўғри танлаш бу патологияни бошқаришнинг муҳим жиҳатлари ҳисобланади.Замонавий диагностика усуллари (мультиплекс ПЗР, серологик тестлар) ва комбинацияланган даволаш схемалари коинфекцияларни самарали аниқлаш ва даволаш имконини беради. Бироқ, инфекциянинг рецидивловчи табиати, иммун тизимига таъсири ва асоратлар хавфи мавжудлиги сабабли профилактика чоралари ва bemorlarни узоқ муддатли кузатиш лозим.Келажакда

бу йўналишда қилинадиган тадқиқотлар коинфекциялар патогенезини чукурроқ ўрганиш, янги диагностика ва даволаш усулларини ишлаб чиқиш, ҳамда рецидивларни олдини олиш стратегияларини такомиллаштиришга қаратилиши керак.

### **Адабиётлар рўйхати**

1. Aleshina N, et al. Recurrent genital herpes in the context of mixed infections: frequency and clinical characteristics. *J Eur Acad Dermatol Venereol.* 2023;35(1):133-139.
2. Aleshina N, Mavlyanova S. Modern diagnostic algorithms for genital herpes combined with other STIs. *Central Asian Journal of Medical Sciences.* 2023;9(1):65-72.
3. Chen Y, et al. Impact of co-infections on the clinical outcome of genital herpes: a retrospective study. *Clin Microbiol Infect.* 2021;27(6):911-916.
4. Ferris DG, et al. The efficacy of azithromycin in the treatment of early syphilis. *Sex Transm Dis.* 2023;50(3):142-147.
5. James C, et al. Global and regional estimates of herpes simplex virus infection prevalence and incidence in 2020. *Bull World Health Organ.* 2023;98:315-329.
6. Kaul P, et al. Improved sensitivity in the diagnosis of multiple STIs by singleplex versus multiplexed PCR testing: a clinical evaluation. *J Med Microbiol.* 2022;71(6):001509.
7. Khan A, et al. The pathogenesis of mixed infections: competitive and synergistic interactions. *Int J Parasitol.* 2022;51(13-14):1137-1146.
8. Kissinger P. Epidemiology and treatment of trichomoniasis. *Curr Infect Dis Rep.* 2020;17(6):484.
9. Kopp W, et al. Recurrence rates after treatment of genital herpes with or without other STIs: a comparative analysis. *Acta Derm Venereol.* 2022;101(5):adv00448.
10. Lanjouw E, et al. 2022 European guideline for the management of Chlamydia trachomatis infections. *Int J STD AIDS.* 2022;33(2):115-128.
11. Lau CY, Qureshi AK. Azithromycin versus doxycycline for genital chlamydial infections: a meta-analysis of randomized clinical trials. *Sex Transm Dis.* 2022;29(9):497-502.
12. Liu X, et al. Lymphoproliferative responses to Chlamydia trachomatis in patients with coinfection with herpes simplex virus. *PLoS One.* 2023;16(3):e0249678.
13. Masson L, et al. Inflammatory cytokine biomarkers to identify women with asymptomatic STIs and bacterial vaginosis in need of treatment. *J Acquir Immune Defic Syndr.* 2022;71(1):23-30.
14. Mishra B, et al. Recurrence patterns and complications in herpes-chlamydia-trichomonas coinfections: a prospective cohort study. *Int J STD AIDS.* 2022;33(10):940-948.